

«ТАСДЛИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
Президент таълим муассасалари агентлиги
Сирдарё вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи
Танлаш харид комиссияси Раиси



Н.И.Холбоева

Abdullaev

2022 йил «__»

Ўзбекистон Республикаси Президент таълим муассасалари агентлиги
хузуридаги Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабида соғлом
овқатлантиришни аутсорсинг усулида ташкил этиш хизматини харид
қилиш учун энг яхши таклифларни

**ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ
ХУЖЖАТЛАРИ**

— 2022 й.

I. ИШТИРОКЧИЛАР УЧУН ҚҰЛЛАНМА

1. Энг яхши таклифларни танлаш (Танлаш) предмети

Ўзбекистон Республикаси Президент таълим муассасалари тизимида мактабларда соғлом овқатлантиришни аутсорсинг усулида ташкил этиш юзасидан аутсорсинг хизмати (матн давомида Хизмат деб юритилади).

Давлат буюртмачиси – Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби.

Шартномани бажаришнинг энг яхши шартларига кўра голибларни танлаш, иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш бўйича эълон қилинган мезонлар асосида Танлаш харид комиссияси (матн давомида Комиссия деб юритилади) томонидан аникланади. Комиссия таркиби Буюртмачи томонидан шакллантирилади.

Танлашнинг чекланган қиймати: 410 800 000 (Тўрт ўн миллион саккиз юз минг) сўм ККС билан бирга;

Тўлов валютаси – Ўзбекистон Республикасининг миллый валютаси - сўмда.

Молиялаштириш манбай – бюджет маблаглари хисобидан.

2. Танлаш доирасида тақдим этиладиган ҳар қандай ҳужжатларнинг (маълумотларнинг) маҳфийлиги

2.1. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чикиш ва баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар, танлаш ўтказиш вақтида ҳам, у тугагандан сўнг ҳам, баҳолаш тартиботига расмий равиша алоқадор бўлмаган шахсларга ҳабар қилинмайди, конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Маҳфий маълумотларни ошкор килганлик учун Комиссияси аъзолари, ишчи гурухлар ва/ёки мутахассислар гурухи жавобгар бўлади (Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунининг 15-моддаси).

3. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари юзасидан тушунтириш бериш

3.1. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари (матн давоми Танлаш ҳужжатлари) юзасидан сўров юбориш учун иштирокчилар давлат буюртмачисига ёзма равиша қўйидаги манзилга мурожаат юбориши мумкин:

Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби

Манзил: Гулистон шаҳар, Сайқал махалласи, И. Каримов кўчаси 9-үй

Тел: 67-225-43-03

e-mail : imxxb@riima.uz

Масъуллар: Ж. Умаров (+99897-277-7551)

3.2. Танлаш ҳужжатлари юзасидан тушунтиришлар бериш бўйича сўров, танлаш иштирокчиси томонидан танлаш таклифларини бериш муддати тугашидан камида икки кун олдин ёзма равиша юборилиши мумкин. Давлат буюртмачиси кўрсатилган сўров олинган кундан бошлаб икки иш куни ичига тушунтириш жавобини юбориши шарт.

4. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш

4.1. Танлаш иштирокчиси ўзининг танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади. Буюртмачи ва Комиссия танлаш натижаларидан қатъий назар мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

4.2. Танлаш иштирокчиларининг таклифлари, унга боғлиқ ҳужжатлар ҳамда иштирокчи ва буюртмачи ўртасидаги барча ёзишмалар ўзбек ёки рус тилларида бўлиши лозим.

4.3. Танлаш иштирокчилари ўз таклифларини электрон шаклда Давлат буюртмачиси томонидан давлат харидлари тизимига (матн давомида - Тизим) жойлаштирилган эълон муддати тугагунга қадар тақдим этишлари мумкин.

4.4. Танлаш иштирокчиси факат битта таклиф беришга ҳакли.

4.5. Танлашда иштирок этиш учун иштирокчилар танлашнинг чегараланган қийматидан 1% миқдорида закалат ўтказилиши лозим.

5. Танлаш таклифига кирадиган ҳужжатлар

5.1. Танлаш таклифи қўйидагилардан иборат бўлади:

- малакавий саралаш ҳужжатлари (тизим орқали электрон шаклда тақдим этилади);
- техник таклиф (тизим орқали электрон шаклда тақдим этилади);
- нарх таклифи (тизим орқали электрон шаклда тақдим этилади).

6. Малакавий саралаш хужжатлари

6.1. Малакавий саралаш учун кўйиладиган талаблар:

-танлаш иштирокчисининг умумий маълумоти ва тажрибаси ҳакида маълумотнома (маълумотнома шакли 1-сонли иловада келтирилган);

-танлаш иштирокчиси қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан суд жараёни ёки арбитраж ҳолатида, инсофсиз ижро чиларнинг ягона реестрида мавжуд эмаслиги ҳакида, шунингдек илгари тузилган шартномалар бўйича зарур даражада бажарилмаган мажбуриятларнинг йўклиги тўғрисида кафолат хати (кафолат хати шакли 2-сонли иловада келтирилган);

-танлаш иштирокчисининг соликлар ва бошқа мажбурий тўловлардан карздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида солик органидан олинган маълумотнома;

-иштирокчининг хисобида ваколлатли орган (хизмат кўрсатувчи банк) томонидан тасдиқланган аутсорсинг хизматлари бўйича камидан уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома.

-тўғри овқатланишни ташкил этиш юзасидан таомлар тайёрлаш технологияси бўйича камидан 2 йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар (муҳандис-технolog, диетолог, гастроэнтеролог, аллерголог, терапевт врач, ошпазлар) малака разрядлари кўрсатилган холдаги маълумотнома;

-иштирокчи томонидан коррупция кўринишларига йўл кўймаслик бўйича ариза.

7. Техник таклиф

7.1. Иштирокчи техник таклиф жадвалининг асл нусхасини, ушбу йўриқномага илова килинган 3-сонли шаклга мувофик расмийлаштириб, тизим орқали электрон шаклда тақдим этиш лозим.

7.2. Таомнома тайёрлашда иштирокчилар Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидағи мактабларда тарбияланаётган болаларнинг хавфсиз ва сифатли овқатланишини ташкил этилишига кўйиладиган санитария-гигиена талаблари (0024-22-сон СанҚвАН)га қатъий риоя этиши лозим.

7.3. II-бўлим техник топшириқда келтирилган нормативлар ва техник топширикларга мос келиши лозим. Белгиланган талабларга нисбатан устун таклифлар билан хизматларни етказиб бериш бўйича таклифларга йўл кўйилади. Бунда устун таклифларни мувофиклиги ва таклифларни қабул килиш бўйича карорлар Комиссия томонидан қабул килинади.

7.4. II-бўлим, теник топшириқда келтирилган нормалар ва техник топширикларга мос келмаган таклифлар дисквалификация килинади, техник хусусияти юкори бўлган хизматлар бундан мустасно.

7.5. Танлаш иштирокчisi таклиф этилаётган хизмат бўйича болаларни соғлом овқатлантиришни ташкил этиш юзасидан кўшимча маълумотларни тақдим этиши мумкин.

9. Танлаш таклифининг амал қилиш муддати

9.1. Танлаш иштирокчisinинг таклифлари, танлаш таклифларини қабул қилиш тугайдиган кун сифатида белгиланган санадан бошлаб камидан бир ой мобайнида кучда колиши лозим.

9.2. Айрим холларда комиссия танлаш иштирокчisini таклиfini амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида илтимос қилиши мумкин. Бундай илтимос ва унга жавоб хат кўринишида расмийлаштиради.

10. Танлаш таклифларини баҳолаш тартиби

10.1. Танлаш ўтказиш тўғрисида эълон муддати тугагандан сўнг танлаш таклифларини баҳолаш учун Комиссия танлаш иштирокчилари томонидан тақдим этилган таклифларни ўрганади ва баҳолайди.

10.2. Танлаш иштирокчilarinинг таклиflarini кўриб чиқish ва баҳolash muddati tijorat takliflari қabul қiliш sўnги kuni tugaGANdan boшlab un kundan oshmasligi kerak.

10.3. Иштирокчilar томонидан тақdим этилган elektron takliifda barcha xujjatlarning mavjудligi va tўғri rasmiyлаshтиrilganligi tekшиriladi. Talab этилган xujjatlar taқdим этиlmagan taқdirda, Komissiya ushu takliifni rad этиsh xukukiga ega.

10.4. Komissiya tanlaш goliбини aniklaш учун rad этиlmagan takliiflarini tanlaш xujjatlarida belgilanган mezonlariga kўra baҳolайдi.

10.5. Agar tanlaш iшtirokchisi tomonidан taқdим этилган xujjatlarda soxta maъlumotlar aniklanса, Komissiya ushu iшtirokchini tanlaшdan chetlashtiradi.

10.6. Танлаш таклифларини баҳолаш ва танлаш ғолибини аниклаш танлаш хужжатларида белгиланган мезонларга асосан амалга оширилади (5-илова).

10.7. Иштирокчининг тақдим этган таклифи танлаш хужжатлари белгиланган талабларига жавоб бермаса, Комиссия таклифни рад этади.

10.8. Тижорат таклифларини баҳолаш жараёнида Комиссия танлаш иштирокчиларидан уларнинг таклифларига нисбатан тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу жараён белгиланган тартибда расмий ёзма равишда танлаш ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳиятига, шунингдек нархнинг ўзгаришига йўл қўйилмайди.

10.9. Танлаш хужжатлари ва таклифларида кўрсатилган мезонларга асосланниб шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган (энг кўп балл олган) танлаш иштирокчиси ғолиб хисобланади.

10.10. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида кайд этилади.

10.11. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси Комиссиянинг барча аъзолари томонидан электрон шаклда имзоланади.

10.12. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сўнг, танловнинг ҳар кандай иштирокчиси буюртмачига танлаш натижаларига ойдинлик киритиш тўғрисида сўров юбориш хукукига эга. Буюртмачи бундай сўровни олган кундан бошлаб уч кун иш куни мобайнида иштирокчига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

11. Иштирокчиларни малакавий саралашдан ўтказиш тартиби

11.1. Танлашда иштирок этиш учун малакавий саралаш ўтказилганда танлашнинг қўйидаги иштирокчилари четлаштирилади:

белгиланган муддатда малакавий саралаш учун барча талаб этилган хужжатларни тақдим қилмаган;

шартнома тузишга ваколатли бўлмаган;

соликлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги бўлган;

қайта ташкил қилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;

тугатиш босқичида бўлган;

давлат буюртмачиси билан суд ёки ҳакамлик мухокамаси холатида бўлган;

инсофсиз ижрочиларнинг Ягона реестрида бўлган;

давлат буюртмачиси билан аввал тузилган шартномалар бўйича зиммасига олинган мажбуриятларни тегишлича бажармаган;

умумий овқатланиш хизматида камида иккى йиллик тажрибага эга бўлмаган;

тўғри овқатланишни ташкил этиш юзасидан таомлар тайёрлаш технологияси бўйича камида 2 йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислари (муҳандис-технolog, диетолог, гастроэнтеролог, аллерголог, терапевт врач, ошпазлар) бўлмаган;

аутсорсинг хизматлари бўйича камида уч ойлик шартнома (танлаш таклифи тақдим этилган лот ёки лотлар) суммасига тенг айланма маблаглари мавжуд бўлмаган;

муассислари битта юридик ва жисмоний шахслар бўлган иштирокчилар.

11.2. Инсофсиз ижрочиларнинг Ягона реестрида бўлган танлаш иштирокчилари тўғрисидаги маълумотларни олиш учун давлат буюртмачиси маҳсус ахборот порталига мурожаат қиласи.

11.3. Малакавий саралашдаш ўтказиш ёки ўтказишдан рад этиш тўғрисидаги карор Комиссия аъзолари томонидан қабул қилинади.

12. Шартномани имзолаш

12.1. Танлаш хужжатининг III-бўлимида келтирилган шаклга мувофик танлаш иштирокчиси билан 10 (ун) кун мобайнида танлашнинг ғолиб бўлган иштирокчиси давлат буюртмачиси билан тегишли шартномани имзолаши лозим.

12.2. Танлаш ғолиби танлаш шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган холларда шартнома тузиш хукуки захира ижрочисига ўтади. Бунда захира ижрочиси танлаш ғолиби таклиф қилган нархда шартнома тузиши мумкин ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

12.3. Микдорий, сифат ва техник параметрлари бўйича шартномани бажармаган танлаш ғолиби конун хужжатлари ва/ёки шартномада назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

13. Танлашни ўтказилмаган деб эълон қилиш

13.1. Танлаш қўйидаги холатларда Комиссия томонидан танлаш ўтказилмаган деб эълон қилиниши мумкин:

танлашда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган бўлса; таклифларни кўриб чиқиш натижалари бўйича Комиссия барча таклифларни рад этган бўлса; факатгина битта таклиф танлаш хужжатлари талабларига мувофик келса танлаш ўтказилмаган деб топилади.

Танлаш талабларига доир бирор ўзгартириш киритиш зарурати пайдо бўлганда Комиссия асосларни келтирган холда тегишли қарорни қабул килади.